

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

## ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ



## РЕШЕНИЕ ХОКИМА

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа  
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, <http://www.andijan.uz>, e-mail: umumiy (a) andijan.uz

27.04.2018 й. № 280-қ

**Вилоятдаги бозорлар ва савдо  
комплексларида бир марталик  
йиғимлар, ижара тўлови ва  
кўрсатиладиган хизматлар  
қиймати миқдорларини белгилаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарорини амалга ошириш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Андижон вилоят молия ва Давлат солиқ бошқармалари ҳамда “Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари” уюшмасининг 2018 йил 6 мартдаги “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги таклифлари маъқуллансин.
2. Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик жой ҳақи ва пуллик хизматлар кўрсатиш бадаллар миқдорлари ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари 1-2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Молия бошқармаси (Хайдаров), Давлат солиқ бошқармаси (Салахов) ва “Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари” уюшмаси (Мамарасулов), туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилги жой ҳақи ва кўрсатиладиган пуллик хизматлар учун тўловларнинг тўлиқ ундирилиши устидан ҳар ойда мониторинг назоратини ўрнатиб, натижаси юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

4. “Андижонвилоятбозорлари ва савдо комплекслари” уюшмаси (Х.Мамарасулов) ҳамда Андижон Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси (Н.Тешаев) юқорида қайд этилган қарор билан юклатилган вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Андижон вилоят ҳокимининг 2017 йил 3 мартдаги “Вилоятдаги бозорларда бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорини белгилаш тўғрисида”ги 134-қ-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталарида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Вилоят телерадиокомпанияси (Каримов) ҳамда “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари таҳририятлари (Шукуров)га вилоят бозорлари ва савдо комплексларида жорий йилги бир марталик жой ҳақи ва пуллик хизмат тўловлари миқдорларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Эгамбердиев ва вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Б.Юлдашев зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими

ASLIGA TO'G'RI

Ш.Абдурахмонов

**I. Бозорларда ва савдо комплексларининг маъмуриятлари томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимларнинг миқдори**

(сўм ҳисобида)

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Вилоят маркази ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.	<b>Маҳсулотларни савдо ўринларида сотиш:</b>			
1.1.	<b>Мевалар:</b> Ҳўл мевалар: олма, анор, нок, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, кўк ва қизил султоқ, ўрик, узум, олча, қулулнай, матина ва ҳоказо сотувчиларидан:	1 ўрин/кунга	7 000	5 000
	Цитрус ва тропик мевалар (апельсин, мандарин, лимон, банан, ананас, киви ва ҳ.к.) ҳамда чет элдан келтирилган бошқа ҳўл мевалар сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	10 000	8 000
	<b>Қуруқ мевалар, ёнғоқлар сотувчиларидан:</b>	1 ўрин/кунга	11 000	9 000
1.2.	<b>Сабзавотлар:</b>			
	Картошка, пияз, қарам, сабзи, саримсоқ, лавлаги, шолғом, булғор қалампир, бақлажон, патиссон, помидор, бодринг (ш.ж. Иссиқхоналарда етиштирилган помидор ва бодринг) ва ҳ.к. ҳамда пиширилган жўхори сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	4 500	4 000
1.3.	<b>Полиз маҳсулотлари:</b> ҳандалак, қовун, тарвуз, қовоқ ва бошқа полиз маҳсулотлар сотувчиларидан 6 кв.м-гача	1 ўрин/кунга	10 000	8 500
1.4.	<b>Дон маҳсулотлари:</b> гуруч, кунгабоқар, ёрмалар (круп), бугдой, сули, арпа ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
1.5.	<b>Дуккакли маҳсулотлари:</b> мош, ловия, нўхат ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	5 500	4 500
1.6.	<b>Сут маҳсулотлари:</b> сут, қаттиқ қаймоқ, сметана, уй пишлоғи, сузма ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	4 500	3 500
1.7.	<b>Тузламалар:</b> қарам, бодринг, помидор ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	5 500	4 500
1.8.	<b>Зиравор ва дориворлар</b> (зира, мурч, қалампир ва ҳ.к.) ҳамда асал	1 ўрин/кунга	5 000	5 000
1.9.	<b>Кўкат</b> (шу жумладан, иссиқхонада етиштирилганлар) сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	4 500	3 500
1.10.	<b>Тўхум</b>	1 ўрин/кунга	4 500	4 000
1.11.	<b>Гуллар ва қўчатлар</b> (6 кв.метр гача)	1 ўрин/кунга	5 000	4 000
1.12.	<b>Нон маҳсулотлари</b> (оби нон, патир ва ҳ.к.)	1 ўрин/кунга	5 500	4 500
1.13.	<b>Уйда тайёрланган консервланган маҳсулотлар, пазандчилик маҳсулотлари ва уй шаронтода тайёрланган қандолатчилик маҳсулотлари сотувчиларидан</b>	1 ўрин/кунга	7 000	6 500
1.14.	<b>Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва салқин ичимликлар сотувчиларидан</b>	1 ўрин/кунга	6 500	5 500
1.15.	<b>Миллий таомлар</b> (кабоб, тадирсома, ош, шўрва ва бошқалар)	1 ўрин/кунга	9 000	6 500
1.16.	<b>Полнэтилен ва қоғоз пакетлар, саватлар ва посылка қутилар</b> сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	4 500	3 500
1.17.	<b>Сунурги</b>	1 ўрин/кунга	4 000	3 000
1.18.	<b>Тирк балиқ ва балиқ маҳсулотлари</b> сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	8 000	6 500
1.19.	<b>Халқ ижодкорлиги, халқ ҳунармандчилиги ва касибчилик товарлари</b> (6 кв. метр гача)		6 500	5 500
	-тепақлар: табиий мўйнали	1 ўрин/кунга	9 500	8 500
	сунъий мўйнали	1 ўрин/кунга	5 500	5 000
	-кастюм ва пальто сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	9 000	8 000
2.	<b>Гўшт маҳсулотлари:</b> мол, қўй, чўчка, парранда гўшти, жигар, думба ва ҳ.к.	1 ўрин/кунга	10 500	9 500
3.	<b>Маҳсулотларни автомашиналарда сотиш:</b>			
	енгил автомашиналаридан сотиш	1 машина	8 500	6 000
	юк автомашиналаридан сотиш	1 машина	10 000	7 000
	тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан сотиш	1 машина	10 000	7 000
	маҳсулотларни ердан сотиш (савдо расталаридан ташқарида, маҳсул ажратилган жойларда) (6 кв. метр гача)	1 ўрин/кунга	5 500	5 000
4	<b>Уй ҳайвонлари учун ем-озуқалар</b> (ҳар бир тиркама ёки юк автомашинаси учун): шрот, шелуха комбинорма, ипчан, сомон, гуруч ва маккажўхори пояси ва ҳ.к.	1 машина	9 500	9 500
5	<b>Қурилиш материаллари сотиш:</b>			
5.1.	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари томонидан маҳсул ажратилган жойларда оғир ва катта ўлчамдаги қурилиш материалларини сотиш</b>			
	а) 6 метр квадрат учун	1 ўрин/кунга	10 000	9 000
	б) 6-15 метр квадрат гача	1 ўрин/кунга	14 000	13 000
	в) 15 метр квадратдан 30 кв.метр гача	1 ўрин/кунга	17 000	15 000
5.2.	Кичик ўлчамдаги қурилиш материаллари (майда ўлчамли), сантехника, ёритиш ускуналари (люстра, светильниклар ва ҳ.к.) сотиш (6 кв. метр гача)	1 ўрин/кунга	5 500	5 000
5.3	<b>Шағал ва қум сотувчиларидан 1 машинага</b>	1 машина	11 000	9 500
6	<b>Тиҷорат йўли билан келтирилган озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиларидан</b>			
	-табиий чарм ва мўйнали тайёр кийим сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	14 000	12 500
	-телевизор, радио, магнитофон сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	14 000	12 500
	-целлофан пакет сотувчиларидан	1 ўрин/кунга	14 000	12 500
	1 ўрин/кунга	5 000	4 000	
6.1	<b>Республикада ишлаб чиқарилган саноат моллари сотувчиларидан</b>	1 ўрин/кунга	8 500	7 500
6.2	<b>Палос ва гилам сотувчиларидан</b>	1 ўрин/кунга		
	а) 5 метр кв-гача бўлса		14 000	11 500
	б) 5 метр кв-дан ортиқ бўлса		18 000	17 000
6.3	<b>Атторлик маҳсулотлари</b> (ҳар хил майда халқ истеъмол товарлар)	1 ўрин/кунга	6 000	5 000
6.4	<b>Мебель маҳсулотлари сотувчиларидан:</b>			
	-якка мебель жиҳозларининг бир донаси учун	1 дона	13 000	10 000

т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Вилоят маркази ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
	-мебель жамламаси учун	1 дона	18 000	15 000
<b>7</b>	<b>Илгари фойдаланишда бўлган буюмлар ва эҳтиёт қисмларни сотиш:</b>			
	Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	9 000	7 000
	Эски эҳтиёт қисмлар	1 ўрин/кунга	9 500	7 000
	Уй-рўзгор жиҳоз буюмлари ва кийим-кечаклар	1 ўрин/кунга	5 500	4 500
<b>8</b>	<b>Автотранспорт воситаларини сотиш:</b>			
	енгил автомашиналар ва микроавтобуслар	1 дона	18 000	
	юк автомашиналари, автобуслар, тракторлар ва бошқа юк кўтарувчи транспорт воситалари	1 дона	25 000	
	Автомобилларга қўшимча улов (прицеп)лар сотувчиларидан	1 улов	12 000	
	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган автомобиль сотувчиларидан	1 дона	16 000	
	мотоцикл, мотороллер ва мопедлар	1 дона	9 500	9 500
	велосипедлар	1 дона	7 500	7 500
	Автошина сотувчиларни ҳар бирига. А) Янги	1 ўрин/кунга	13 000	
	Б) Эски	1 ўрин/кунга	9 000	
	Электрсварка, токарлик ва ҳар-хил таъмирлаш хизмати кўрсатувчиларидан	1 ўрин/кунга	8 500	7 000
<b>9</b>	<b>Мол бозорига олиб кириладиган ҳар бир чорва моллари учун</b>			
<b>9.1.</b>	<b>От, той, туя</b>	1 бош	16 000	11 000
	бўталоқ, эшак	1 бош	13 000	8 500
<b>9.2.</b>	<b>Йирик шохли қорамол:</b>			
	Йирик шохли қорамол (шу жумладан, сиғир бузоғи билан)	1 бош	14 000	12 000
	Бузоқ	1 бош	12 000	10 000
<b>9.3.</b>	<b>Майда шохли қорамол</b>			
	кўй, эчки (кўй кўзиси билан, эчки улоғи билан ва ҳ.к.)	1 бош	10 000	8 000
	кўзи, улоқ	1 бош	8 000	7 000
<b>9.4.</b>	<b>Чўчқа ва чўчқа болалари</b>	1 бош	7 000	5 000
<b>10.</b>	<b>Уй паррандалари: курка, товуқ, ўрдақ, гоз</b>	1 бош	1 500	1 500
	товуқ, курка, ўрдақ, гоз жўжалари	10 бош	1 400	1 300
<b>11</b>	<b>Итлар ва мушуклар</b>	1 ўрин/кунга	4 000	3 000
<b>12</b>	<b>Манзарали қуш ва аквариум баллиқлар (бир ўринга)</b>	1 ўрин/кунга	4 500	3 000
<b>13</b>	<b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва баллиқлар учун озуқалар ҳамда тегишли аксессуарлар ва буюлар</b>	1 ўрин/кунга	4 200	2 700
<b>14</b>	<b>Итлар, мушуклар, манзарали қушлар ва баллиқлар, шунингдек уларнинг озуқалари ва тегишли аксессуарлар ва буюмлар, бир жойда</b>	1 ўрин/кунга	4 200	2 700
<b>15</b>	<b>Пойабзал таъмирлаш хизмати</b>	1 ўрин/кунга	1 600	1 300

**Бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоотлар ва инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдори**

(сўм ҳисобида)

№/р	Кўрсатиладиган хизматлар тури	Ўлчов бирлиги	Вилоят маркази ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар	Туманлар
1.	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоотлардан фойдаланганлик учун ижара</b>			
	Ноозик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м / ойига	19 000	9 500
	Озик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м / ойига	13 800	6 800
	Умумий овқатланиш	1 кв.м / ойига	16 500	8 100
	Манший хизмат кўрсатиш	1 кв.м / ойига	6 200	4 050
	Бошқа турлар (Омбор, офис, аптека, пайнет)	1 кв.м / ойига	6 800	4 000
2.	<b>Инвентарларни ижарага бериш:</b>			
2.1.	<b>Тош-тарозилар учун</b>	1 кунга	2 000	2 000
2.2.	<b>Катта юк тортиш тарозилари учун</b>			
	-150 кг.гача тортадиган	1 кунга	2 000	2 000
	-150 кг.дан 1500 кг.гача тортиб бериш учун	1 кунга	9 000	7 000
2.3.	<b>Савдо жиҳозлари учун</b> (болта, тахтақач, личок, ўриндик, воронка, патнис, сават ва ҳ.к.) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	1 500	1 000
2.4.	<b>Маҳсус уст-бош кийимлар учун</b> (халат, этак, энглик ) (бутун тўплам учун, бунда тўплам савдо фаолияти тури заруратидан келиб чиққан ҳолда аниқланади)	1 кунга	500	500
2.5.	<b>Маҳсулотлар учун брезент бериш</b>	1 кунга	2 000	1 500
2.6.	<b>Юк аравача учун бир кунга "Жаҳон" савдо комплексиди бозор кунлар:</b>	1 кунга	7 000	
	-бошқа бозорларда	1 кунга	6 000	5 000
	-контейнер аравачалар учун	1 кунга	3 000	2 000
2.7.	<b>Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонидан фойдаланганлиги учун (1 м<sup>2</sup>)</b>	1 кунга	2 500	2 000
3.	<b>Кўрсатиладиган хизмат турлари:</b>			
3.1.	<b>Қишлоқ хўжалик ва бошқа озик -овқат маҳсулотларини сақлаш:</b>			
	совутичларда (хар бир яшик, қоп ва ҳ.к.учун)	1 кунга	2 800	2 800
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (хар бир яшик, қоп ва ҳ.к.учун)	1 кунга	1 800	1 800
	бозор ҳудудидаги очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	2 700	2 700
3.2.	<b>Буюмларни омборларда сақлаш (50x50x100 ўлчамдаги жой учун)</b>	1 кунга	1 800	1 800
3.3.	<b>Маҳсулотларни тарозидан ўлчаб бериш учун:</b>			
	катта юк тарозиди	1 марта тортиш	1 500	1 300
	йирик ва майда шохли қорамолларни тортиш	1 марта тортиш	2 000	1 500
3.4.	<b>Автотарозилардан фойдаланиш:</b>			
	<b>Юк кўтариш қуввати 5 тоннадан ортиқ бўлган, тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналари ва автопоездлардан:</b>			
	юк билан	1 марта ўлчаш	3 100	2 200
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 300	1 800
	<b>Юк кўтариш қуввати 5 тоннагача бўлган, тиркамали, ярим тиркамали юк автомашиналаридан:</b>			
	юк билан	1 марта ўлчаш	2 500	2 000
	юксиз	1 марта ўлчаш	2 000	1 500
	<b>Енгил автомашиналардан:</b>			
	юк билан	1 марта ўлчаш	1 600	1 200
	юксиз	1 марта ўлчаш	1 200	1 000
	<b>Тиркамали енгил автомашиналардан:</b>			
	юк билан	1 марта ўлчаш	2 000	1 500
	юксиз	1 марта ўлчаш	1 600	1 200
3.5.	<b>Меҳмонхона хизматидан фойдаланиш (1 та жой учун)</b>	1 кунга	5 000	5 000
3.6.	<b>Автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш учун:</b>			
	Енгил автомашиналар учун	1 соатга	1 000	1 000
	Юк автомашиналар учун	1 соатга	1 200	1 000
	Сотувга олиб келинган барча турдаги автомобилларни бир кун сақлаш учун	1 кунга	5 000	
3.7.	<b>Ҳожатхона хизматидан фойдаланиш</b>	1 марта	500	500
3.8.	<b>Телефондан фойдаланиш</b>	1 марта	500	500
3.9.	<b>Радиоузел орқали эълон бериш</b>	3 марта такрор	500	500
3.10.	<b>Маҳсулотларни бозорларда сотиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб бериш учун:</b>			
	а) 100 минг сўмгача		6 000	6 000
	б) 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача		10 000	10 000
	в) 500 минг сўмдан ортиғига		26 000	26 000
3.12.	<b>Транспорт воситаларининг юк ортиш ва юк тушириш учун бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудига кириши (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тушириш учун кирган автотранспорт воситалари бундан мустасно)</b>			
	енгил автомашиналари учун	1 марта	2 000	2 000
	юк автомашиналари учун	1 марта	3 500	2 500
	юк аравалари учун	1 марта	1 000	1 000
3.13.	<b>Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозорларига юк ортиш учун</b>			
	енгил автомашиналари учун	1 марта	2 500	1 500
	юк автомашиналари учун	1 марта	1 500	1 200
	тиркамали енгил автомашиналари учун	1 марта	2 500	1 500
3.14.	<b>Бозор ҳудудидаги умумий фойдаланишга объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғишлари, умумий ҳудудни қўриқлаш ва тозалаш, манший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқандиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)</b>			
	Ноозик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м / ойига	9 000	5 500
	Озик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м / ойига	9 000	5 500
	Умумий овқатланиш	1 кв.м / ойига	9 000	5 500
	Манший хизмат кўрсатиш	1 кв.м / ойига	7 000	5 000
	Омбор	1 кв.м / ойига	6 200	4 800
	Бошқа турлар (Офис, аптека, пайнет)	1 кв.м / ойига	6 500	5 000

Изоҳ: Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида белгиланган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб ҳақ тўланади.